

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**Мактабгача, умумий ўрта ва  
мактабдан ташқари таълим  
ташкилотларидан чиқадиган  
расмий ҳужжатларга апостил  
қўйиш бўйича услубий қўлланма**

**“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2025**

**Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга апостил қўйиш бўйича услугбий қўлланма.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2025 й. – 17 б.

Мазкур услугбий қўлланма мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга апостил қўйиш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан кўриб чиқишига қаратилган. Апостил – халқаро ҳужжатларнинг қонунийлигини тасдиқлайдиган маҳсус белгидир, ва уни қўйиш жараёни ҳар бир мамлакатнинг қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Ҳужжатларга апостил қўйиш, уларни халқаро миқёсда тан олиш ва тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади, бу эса таълим тизимининг глобаллашуви шароитида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қўлланма ўқитувчилар ва ҳуқуқий ишларни юритувчи ходимларга ўқув-услубий ёрдам беришга, расмий ҳужжатларнинг халқаро амалиётга мувофиқлигини таъминлашга хизмат қиласди.

**Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

© “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2025 йил

# **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	4
Расмий ҳужжатларни легаллаштиришга оид қонунчилек ҳужжатлари.....	5
Умумий қоидалар.....	6
Давлат хизмати күрсатиш тартиби.....	9
Электрон тарзда апостиль қўйиш тартиби.....	11
Апостиль қўйиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш.....	17
Иловалар.....	31

## КИРИШ

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги таълим тизимида халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ортаётганлиги сабабли, расмий ҳужжатларнинг тан олиниши ва қонуний кучга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга апостил қўйиш жараёни, уларни халқаро миқёсда тан олиш ва қонунан кучга эга бўлиши учун зарур бир қадамдир. Апостил – бу ҳужжатларнинг қонунийлигини тасдиқлайдиган маҳсус белгидир ва у Халқаро ҳуқуқий ёрдам Конвенцияси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларда иштирок этиши ва қонунларнинг қўлланилиши билан боғлиқ равишда, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларидан чиқадиган ҳужжатлар учун апостил қўйиш жараёни ҳар қандай ҳужжатнинг халқаро миқёсда юридик кучга эга бўлишига асос бўлади. Ушбу услубий қўлланма, таълим ташкилотлари ходимлари ва ҳуқуқий ишларни юритувчи мутахассисларга апостил қўйиш тартибини тушунтиришга ва амалий йўриқномаларни тақдим этишга қаратилган.

Қўлланмада апостил қўйиш учун зарур бўлган барча босқичлар, қонунчилик асослари ва амалий масалалар мукаммал тушунтирилади. Шунингдек, ҳужжатларнинг халқаро миқёсдаги амалга оширилиши ва тан олинишидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш усувлари таҳлил этилади.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ходимлари ва фуқаролар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

# **РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасининг 05.06.2024  
йилдаги ЎРҚ-929-сон "Саноат намуналарини  
халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага  
битимининг Женева актига (Женева, 1999 йил 2  
июль) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши  
ҳақида"ги қонуни



15.04.2012 йилдаги "Хорижий расмий  
ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор  
қилиш тўғрисида"ги Конвенция



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 03.12.2021 йилдаги 732-сон  
"Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш  
тартибини янада такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида"ги қарори



# УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш тартиби

**Апостиль – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзолаш ваколати мавжудлигини ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, Конвенцияга мувофиқ расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйиладиган маҳсус штамп**

Адлия вазирлиги 2022 йил 1 январга қадар расмий ҳужжатларга электрон тарзда апостиль қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатишни техник жиҳатдан қўллаб-қувватловчи “E-App” (Electronic Apostille Programm) ҳамда “E-register” дастурларининг ишлаб чиқилиши ва ишга туширилган.



**апостиль қўйиш** – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзолаш ваколати мавжудлигини ҳамда ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган расмий тартиб-таомил.



**“юлдузча”** – расмий ҳужжат вараклари маҳкамланадиган жойга ёпиштириладиган ва апостилни қўйган ваколатли давлат органининг гербли муҳри босиладиган қалин қоғоз.

## ► ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси


Президентининг “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи **конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь)** қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 5 июлдаги ПҚ-1566-сон қарорга мувофиқ апостиль қўйиш ваколати берилган давлат органи.

Расмий ҳужжатга апостиль қўйиш билан боғлиқ барча жараёнлар **“E-App” ва “E-register”** дастурларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

**“E-register” дастури** – ваколатли давлат органи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида “E-App” дастури орқали қўйиладиган махсус штампни генерация қилиш ва ушбу штампга ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларини ўзида жамловчи **электрон реестр дастури**.

**“E-App” дастури** – расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг имзоси ҳақиқийлигини, имзолаш ваколати мавжудлигини ҳамда расмий ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, Конвенцияга мувофиқ расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйиладиган махсус штамп **генерация қиласидиган дастур**.

## Апостиль қўйилмайдиган ҳолатлар:



**!** Расмий ҳужжатга апостиль қўйиш, мурожаат этувчининг ўз хоҳишига кўра **анъанавий ёки электрон тарзда** амалга оширилади.



**Ваколатли давлат органлари ҳамда давлат хизматлари марказлари жисмоний ва юридик шахсларга апостиль қўйиш тартиб-таомиллари бўйича **бепул маслаҳатлар берадилар.****

# ДАВЛАТ ХИЗМАТИ КҮРСАТИШ ТАРТИБИ

## Давлат хизмати күрсатиш тартиби



Мурожаат этувчи давлат хизмати олиш учун ваколатли органга **ўзи келган ҳолда** мурожаат этади.

Мурожаат этувчи ўрнига **ишончнома** асосида ҳаракат қилаётган учинчи шахслар ҳам мурожаат этишлари мумкин.

Ваколатли орган ходими мурожаат этувчи номидан **электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради**.

Сўровномага хорижий давлат – Конвенция қатнашчиси ҳудудида фойдаланиладиган расмий ҳужжат ёки расмий бўлмаган ҳужжатларнинг **нотариал тасдиқланган нусхаси илова қилинади**.

Мурожаат этувчи уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Сўровнома расмий ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан **икки иш куни** ичida кўриб чиқилади.

Апостиль қўйиш учун тақдим этиладиган расмий ҳужжатларда тегишли реквизитлар:

**1. тартиб рақами;**

**2. сана;**

**3. имзо;**

**4. муҳр;**

**5. мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр, штампларнинг ҳақиқийлиги;**

**6. "E-App" ва "E-register" дастурларидан фойдаланиб, текшириб олинади.**

## Апостиль қўйишини рад этиш учун асослар:

- расмий ҳужжатда зарур реквизитларнинг ҳеч бўлмаганда **бири мавжуд бўлмаса** ёки мансабдор шахсларнинг имзолари ҳамда муҳр, штампларнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланса;
- расмий ҳужжатни имзолаган мансабдор шахс уни **имзолаш ваколатига эга бўлмаса**.

### Сўровнома такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

- Апостиль **10x10 см ўлчамли** квадрат клише шаклида бўлади;
- Апостилнинг сарлавҳаси **француз тилида** бўлиши керак;
- Апостилнинг босма изи расмий ҳужжатнинг матндан **бўш жойига ёки унинг орқа томонига** ёхуд қоғознинг алоҳида варағига қўйилади;
- Ваколатли орган ходими апостиль қўйилган расмий ҳужжатни шу куннинг ўзида мурожаат этувчига тақдим этади ва бу ҳақида “E-register” дастурига тегишили ёзувни киритади ҳамда апостиль қўйилган расмий ҳужжатнинг сканерланган **PDF шаклидаги нусхасини бироктиради**.

Агар апостиль тақдим этиладиган давлатда расмий ҳужжатнинг таржимасини ҳам тақдим этиш зарур бўлса, апостиль қўйилишидан олдин кўрсатиб ўтилган расмий ҳужжатлар таржимон томонидан апостиль тақдим этиладиган **давлат тилига (ёки инглиз тилига)** **таржима қилинади**, таржимоннинг имзоси **нотариус томонидан тасдиқланади**, сўнгра расмий ҳужжат ва унинг тасдиқланган таржимасига **апостиль қўйилади**.

# ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА АПОСТИЛЬ ҚҰЙИШ ТАРТИБИ

## Электрон тарзда апостиль қўйиш тартиби

Мурожаат этувчи давлат хизмати олиш учун ДХМ **үзи келган ҳолда** ёки ЯИДХПда **электрон тарзда** мурожаат этади

ДХМ ходими мурожаат этувчи номидан, ЯИДХП орқали электрон шаклдаги **сўровномани тўлдиради**

Сўровномага Конвенция қатнашчиси ҳудудида фойдаланиладиган расмий ёки бўлмаган ҳужжатларнинг **нотариал тасдиқланган нусхаси** илова қилинади.

Мурожаат этувчи томонидан сўровномани **ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди**. ЯИДХПдан авторизациядан ўтади

ДХМ ходими томонидан барча ҳужжатлар **сканер қилинади ва 10 дақиқада** PDF шаклида ваколатли давлат органига юборилади

Сўровномани кўриб чиқиш учун мурожаат этувчидан **БҲМ нинг 20 фоизи** миқдорида йиғим ундирилади

Мурожаат этувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, сўровномаси **кўрмасдан қолдирилади**. Тўланган йиғим суммаси **қайтарилмайди**

Сўровнома **2 иш куни** ичida кўриб чиқиласdi

# АПОСТИЛЬ ҚҮЙИШ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР БЕРИШ

## Маълумотномалар бериш

Апостиль қўйиш масалалари бўйича маслаҳатлар (маълумотномалар) мурожаат этувчиларининг мурожаатига кўра, апостиль қўйиш масалаларини кўриб чиқиш ваколатига кирадиган ходим ҳамда **ДХМ маркази ходими томонидан** берилади.

**Маслаҳатлар қуийидаги масалалар бўйича берилади:**



## МАЪЛУМОТ УЧУН



- *Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли давлат органлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотларнинг сирсақланишини таъминлайди*



- *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади*



- *Мурожаат этувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин*



- *Талабларини бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар*

# ИЛОВАЛАР

1-илова

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъектлар</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Муддатлар</b>
<b>1-босқич</b>	<b>Мурожаат этувчи</b>	<p>1. ДХни олиш учун ваколатли органга ўзи келиб ёки ишончли вакили орқали мурожаат этади.</p> <p>2. Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўлайди.</p>	<p>1. Хоҳишига кўра</p> <p>2. Мурожаат этганда</p>
<b>2-босқич</b>	<b>Ваколатли орган</b>	Ваколатли орган ходими мурожаат этувчи номидан тегишли сўровномани тўлдиради ва уни мурожаат этувчи ўз имзоси билан тасдиқлайди.	Мурожаат этилган кунда
<b>3-босқич</b>	<b>Ваколатли орган</b>	Сўровнома ва зарур ҳужжатларни ўрганиб чиқади ҳамда расмий ҳужжатга апостиль қўяди ёки апостиль қўйишни рад этади.	2 иш куни (судлар томонидан — 3 иш куни) ичида (зарур ҳолларда, 10 иш куни ичида)
<b>4-босқич</b>	<b>Ваколатли орган</b>	<p>1. Апостиль қўйилган расмий ҳужжатни ёки апостиль қўйишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномани мурожаат этувчига тақдим этади (юборади).</p> <p>2. Апостиль қўйилганлиги ҳақида “E-register” дастурига тегишли ёзувни киритади ва PDF шаклидаги апостиль қўйилган расмий ҳужжатнинг нусхасини бириктиради.</p>	Апостиль қўйилган ёки рад этилган куннинг ўзида

(сана)

(рақам)

*Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш бўйича давлат хизмати  
кўрсатиши учун*

### **СЎРОВНОМА**

#### **I. Ариза берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот:**

1. Ф.И.О.	
2. Паспортга оид маълумотлари (серияси ва рақами):	
3. ЖШШИР (мавжуд бўлса):	
4. Яшаш манзили:	
5. Телефон рақами:	
6. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

#### **II. (юр.) Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:**

1. Ф.И.О.	
2. Паспортга оид маълумотлари (серияси ва рақами):	
3. ЖШШИР (мавжуд бўлса):	
4. Яшаш манзили:	
5. Телефон рақами:	
6. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

### **III. Расмий ҳужжатга оид маълумотлар:**

<i>1. Расмий ҳужжат тури:</i>	<p>адлия органлари ва муассасаларидан ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар</p> <p>судлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар прокуратура, тергов, суришириув ва терговга қадар текшириувни амалга оширувчи органларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар</p> <p>таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатлар</p> <p>бошқа расмий ҳужжатлар</p>
<i>2. Расмий ҳужжатлар сони:</i>	
<i>3. Расмий ҳужжатнинг реквизитлари (берилган сана ва рақам):</i>	
<i>4. Апостиль тақдим этиладиган давлат:</i>	
<i>5. Апостилнинг тўлдириш тили:</i>	ӯзбек тили инглиз тили

**APOSTILLE**  
**(Convention de la Haye du 5 octobre 1961)**

**1. Давлат/Country** \_\_\_\_\_

**Ушбу расмий ҳужжат/this public document**

**2. Томонидан имзоланди/**

**has been signed by** \_\_\_\_\_

**3. Сифатида фаолият юритувчи/**

**Acting in the capacity of** \_\_\_\_\_

**4. Мухр/штамп билан тасдиқланган**

**bears the seal/stamp of** \_\_\_\_\_

**Тасдиқланди/Certified**

**5. Шаҳар/at** \_\_\_\_\_

**6. Сана/the** \_\_\_\_\_

**7. Томонидан/ by** \_\_\_\_\_

**8. №** \_\_\_\_\_

**9. Мухр/штамп/**

**10. Имзо/Signature**

**Seal/stamp**